

Сиз буни қаердан биласиз?!



15:36 / 03.06.2025 2155

Саҳобалар буюк бир дарс арафасида туришганини билишмасди. Набий алайҳиссалом улар билан бирга ўтирган эдилар. Ҳаммаси оддий, дунё ишларида бирор-бир янгилик йўқ эди. Дин ишларида ҳали ваҳий ҳам тўқис тушиб бўлмаган. Шу пайт уларнинг олдидан бир киши салом бериб ўтди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сўрадилар:

– Бу киши ҳақида нима дейсизлар?

Саҳобалар дейишди:

– Қавмининг улуғи ва бойи. Аллоҳга қасамки, у бировга совчи бўлса, қиз берса бўлади. Бировга шафоатчилик қилиб ўртага тушса, шафоатчилиги қабул қилинади!

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сукут сақладилар, ҳеч нарса демадилар. Озгина вақт ўтиб фақир бир киши салом бериб ўтди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалардан сўрадилар:

– Бу киши ҳақида нима дейсизлар?

Саҳобалар дейишди:

– Бу киши камбағал, оддий бир мусулмон. Аллоҳга қасамки, у бировга совчи бўлиб борса, унга қиз беришмайди. Биров учун ўртага тушса,

ўртакашлиги қабул қилинмайди!

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

– Аллоҳга қасамки, мана шу фақир киши ер юзи тўла нариги кишига ўхшаганлардан яхшироқдир!

Инсонлар ҳамма даврда ҳам инсонлигича қолаверади. Уларни ташқи кўриниш алдайди. Уларнинг қалбини кўраётган ва эшитаётган нарсалари сеҳрлайди. Чунки инсонлар дунёга дунё кўзи билан боқишади. Агар дунёга охират назари ила боқишганда эди, бошқача ҳукм қилган бўлишар эди!

Ташқи кўринишимизнинг гўзал бўлиши яхши нарсаси. Аммо сиз кўраётган мана шу чиройли кийим остида чиркин қалб яширинган бўлса-чи? Сиз буни қаердан биласиз?! Балки бу бежирим кўйлак остида бузуқ нафс бордир?!

Бойлик яхши нарсаси. Аммо сиз қаердан биласиз, балки бу бойлик ортида ўзгаларнинг моли, хиёнат, зулм, рибо орқали топилган ҳаром мол бордир?!

Ширин тил инсонни мафтун қилади. Аммо мана шу ширин тилнинг ортида йиртқич бўри ёки чақишни кутиб турган заҳарли илон турган бўлса, сиз қаердан биласиз?!

Тўғри, биз зоҳирга қарашга амр қилинганмиз. Инсонларнинг ботинини Аллоҳга ҳавола қиламиз. Аммо бу дегани бандаси содда бўлиши керак, кўрган нарсасига ишонавериши лозим, дегани эмас.

Ҳақиқий қаҳрамонлик одамларни қўрқитишда эмас, бомдод намозига етиш учун устингиздаги кўрпани кўтаришдадир!

Ҳақиқий чирой расмий костюм-шим ёки зеб-зийнатли кийимларда эмас, балки қалбда, покиза нафсда ва инсонларга яхшилиқни соғинишдадир!

Инсонларга Аллоҳга яқинлиги ёки Ундан узоқлигига қараб ҳукм қилинг. Инсонларга атрофдагиларига яхшилиқ ёки ёмонлик қилишига қараб ҳулоса беринг!

Ҳақиқий қаҳрамон шариат олдида тўхтайдиган кишидир. Гарчи ҳар куни битта жангда ғалаба қозонса-да, Аллоҳнинг чегараларини бузиб ўтайдиган кишилар қўрқоқ кишилардир!

Бир йигит бир қизга совчи юборди. Қизнинг отаси йигит билан гаплашиши лозимлигини айтди. Учрашишганда ундан иш жойи, маскани ва маоши

қанчалигини сўрамади. У йигитдан битта савол сўради:

– Бомдодга соат нечида азон айтиляпти?

Йигит жавоб бера олмади.

Қизнинг отаси айтди:

– Бизнинг турмушга берадиган қизимиз йўқ!

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланди.